

САМАРАЛИ ИШ ЯНГИЧА ҒАЙРАТ БАҒИШЛАЙДИ

2002 йилда эрта баҳорида бизнинг Ошоба жамоатимизда «Нов Тараққиёт Жараёнларини Қўллаб-қувватлаш Агентлиги» (Нов ТЖҚА) камбағалликни даражасини пасайтириш бўйича лойиҳа асосида иш бошлади. Ўша пайтгача жамоатимизда бирорта бўлсин, аёлларнинг уюшган ташкилотлари фаолият олиб бормас эди. Ҳозиргина мен айтиб ўтган лойиҳа туфайли Ошоба қишлоғида «Хосият», Марҳамат қишлоғида «Марҳамат», Ошпон қишлоғида «Қундуз момо» аёллар клублари тузилди. Тез орада бу клублар фаолияти кўзга ташланиб қолди. Масалан, Марҳамат қишлоғидаги «Марҳамат» аёллар клуби ривожланиб, клубдаги аъзолар сони 100 дан ошиб кетди. Аёлларнинг клуб фаолиятига қизиқиши тобора ортаётганлиги боис бу ерда яна бир клуб тузилди ва у «Файз» аёллар клуби дея аталди.



Янги клуб тузилишининг биринчи куниданоқ унга Марҳамат қишлоғида яшайдиган 53 аёл, жумладан, ёш қизлар аъзо бўлишди. Шу ўринда клуб аъзоларининг асосий кўпчилиги уйда ишсиз ўтирган қизлар аёллар эканлигини таъкидлаш жоиз.

Клуб аҳли дастлабки кунларданоқ ўз фаолиятининг самарали, қизиқарли бўлиши учун интила бошлади.

Жумладан, турли тўғараклар ташкил этилди, аёллар қизиққан мавзулар танланиб, семинарлар ўтказила бошланди. Масалан, ҳунар ва билим ўргатув курслари ўтказилди. Бу курсларга қишлоқ аёллари катта қизиқиш билан қатнашишди.

Айни бир пайтда «Нов ТЖҚА» кичик бўлсада грантлар бера бошлади ва бу ҳисобдан ҳамда клубга уюшган аёллар аъзолик бадали ҳисобидан клуб жамғармаси ташкил этилди.

Биз жамғарма маблағидан мақсадли фойдаланиш учун интила бошладик. 2004 йилнинг 20 мартда «Файз» қишлоқ хўжалик жамғармаси ташкил топди. Унга «Нов ТЖҚА» томонидан 1150 сомоний ажратилди ва бу маблағга аёллар учун жун ва ип олиб берилди. Аниқроғи – 46 нафар аёлнинг ҳар бирига уч ой муддатга ишлатиш учун 25 сомонийлик жун ва ип олиб берилди. Улар бу ашёддан тайёр маҳсулотлар тўқишлари керак эди.

Орадан уч ўтгандан сўнг иш натижалари ўрганилганда, аёлларимиз самарали иш юритганлари маълум бўлди. Ўтган муддатда маҳоратли аёллар қўлларидаги маблағни 350 сомонийгача етказишга муваффақ бўлишди. Умуман олганда, аёлларимиз маблағи 150 сомонийдан тортиб 350 сомонийни ташкил этди.

Май ойида биз йиғилдик ва 46 нафар аёлга маблағ тақсимлаб берилди. Улар берилган маблағни 120 сомонийдан 320 сомонийгача етказишди.

Ишимизнинг самарали бўлиши албатта «Нов ТЖҚА» эътиборини тортди. 2004 йил сентябрида агентлик томонидан клубимизга 1150 сомоний пул ўтказилди.

Биз яна йиғилиш ўтказдик ва клубимиз аъзолари фикрини ўрганган ҳолда берилган маблағни истаган аёлларга тақсимлашга қарор қилдик. Бунда аёллар топган фойдадан 3 фоиздан олиш ҳисобига жамғармамизни кўпайтиришга келишдик. Бу яхши натижа берди. Ҳозирда мазкур маблағдан фойдаланиб келинмоқда.

Клуб ишининг тўғри йўлга қўйилиши натижасида биринчидан кўп аёллар уйда ўтириб, жун ва ипдан маҳсулот тайёрлаш ҳамда унча-мунча маблағ орттиш имконига эга бўлишди. Иккинчидан, биз жамғарилган маблағ ҳисобидан қишлоқда ўтказилаётган турли тадбирларга ёрдам бера бошладик.

Масалан, 49-умумтаълим мактабида инглиз тилида олиб борилган кечанинг самарали ўтиши учун 220 сомоний ажратдик. Кечада энг фаол иштирок этган 22 нафар ўқувчига ифтихорнома ва ўқув қуроллари мукофот тариқасида берилди.



2005 йил май ойида Чинорда ўтказилган Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60-йиллигига бағишланган кеча ҳам ёдда қоладиган ўтди. Бу кечанинг ўтказилиши учун клубимиз томонидан 80 сомоний берилди. Ветеранлардан 10 кишига совға олинди.

Қишлоқда ўтказилаётган турли хил тадбирларда клубимиз жамғармаси ўз ҳиссасини қўшиб келаётир. Булардан айримларини санаб ўтмоқчиман. 2005 йилнинг май ойида Марҳамат қишлоғида оила йилига бағишланган тадбир ўтказилди. Бу тадбир учун 350 сомоний маблағ ажратдик. Жумладан, бу маблағнинг бир қисми энг яхшилардан саналган учта оиллага совға олиш учун берилди. 2006 йил Рамазон ҳайити муносабати билан пахтакор аёлларга далда бериш мақсадида 230 сомонийга совға олинди. Бу совға бевосита пахта даласига олиб борилиб, аёлларимизга берилганда, уларнинг қувончини кўриб, қилаётган ишимизнинг қанчалик муҳимлигини яна бир бор ҳис этдик.

Айни бир пайтда биз клубда фаол қатнашаётган аёлларимизни ҳам унутиб қўяётганимиз йўқ. Уларнинг 8 нафарига қимматбаҳо совғалар берилди. Бизнинг ҳар биримизнинг саломатлигимиз шифокорлар меҳнатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Худди шунини ўйлаган ҳолда Марҳаматдаги қишлоқ саломатлик марказининг бир қисмини таъмирлаб бердик. Бунинг учун 480 сомоний сарфланди.



Қишлоғимизда ҳар йил Наврўз байрами эса қоларли ўтказилади. Кўклам, яшариш, яшнаш байрами ҳаммамиз учун қувонч келтиради. 2006 йил 22 март куни ўтказилган Наврўз бизнинг клубимиз аъзолари учун янада қувончли бўлди. Бу байрамнинг яхши ўтиши учун маълум даражада маблағ ажратдик. Шу қувончли кунда қишлоқда яшаётган қариялар ва ногиронлар кўнглини кўтаришга интилдик. Жумладан, Ҳалима Рўзиматова ва Раҳмонова оилаларига гурунч бердик. Шунингдек, Раҳмоновага пул ҳам берилди.

Шундан буён Наврӯз тадбирларимизда клубимиз фаол иштирок этиб келмоқда. Масалан, 2008 йилда ўтказилган Наврӯзга 250 сомоний ажратдик. Ўтган йилги Наврӯз байрамини ўтказиш учун эса 500 сомонийлик ҳисса қўшдик.

Қишлоқда спорт мусобақалари ўтказилганда ҳам четда қараб турмаймиз. 2007 йил 16 апрелда ноҳия маркази Шайдонда ўтказилган умумий спорт мусобақалари учун 350 сомонийга совға олинди.

Юқорида мактабларга берилаётган эътибор борасида бироз гапириб ўтдим. Биз қишлоғимизда униб-улғаяётган ёш авлоднинг истиқболи учун қўлимиздан келган ёрдамни аямасликка интилоқдамиз. Масалан, 2009 йил августида 6-гимназияни таъмирлаш учун озми-кўпми маблағ ажратдик.

Собиқ колхоз клубининг бир хонаси тикувчиликни ўргатиш учун ажратилди. Биз бу ерда қишлоқ қизларининг ҳунар ўрганишларини ўйлаган ҳолда бу хонани таъмирлашга киришдик. Мазкур таъмир учун 320 сомоний сарфланди.

Мен клубимизнинг беш йиллик иш фаолияти давомида турли хайрли ишларга фаол иштирок этиб келаётганидан мамнунман. Бундай ҳисоблаб кўрсам, турли тадбирлар учун 4200 сомонийдан ортиқ маблағ ажратибмиз. Агар «Нов ТЖҚА» ташаббуси билан клубимиз очилмаганда бу маблағ қаёқда эди? Биз ижтимоий бирлашма билан ҳамкорлигимиз узилиб қолмаслигига, уйда ўтириб қолган ишсиз аёлларимизнинг ҳозиргидек файратлари сўнмаслигига ишонамиз. Клубимиз фаолларининг аввало ўз оилалари учун маблағ ишлаб топишларига ва жамғармамизга келиб тушган маблағнинг бундан буёғига ҳам хайрли мақсадларда ишлатилишига умид қиламан.

Файзинисо УМУРЗОҚОВА, Ашт ноҳиясидаги «Файз» аёллар клуби етакчиси
(2010, Феврал)